



ТИҚХММИ

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини  
Механизациялаш Муҳандислари Институтини

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**



**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ”**

*мавзусидаги анъанавий XIX - ёш  
олимлар, магистрантлар ва  
иқтидорли талабаларнинг илмий  
- амалий анжумани*

19

*XIX - traditional Republic  
scientific - practical conference of  
young scientists, master students  
and talented students under the  
topic*

**“THE MODERN PROBLEMS OF  
AGRICULTURE AND WATER  
RECOURCES”**

**МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**Тошкент – 2020 йил, 14 – 15 май**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

---

**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ”  
мавзусидаги анъанавий XIX – ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли  
талабаларнинг илмий-амалий анжумани**

**МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**/ II-ҚИСМ/**

**ТОШКЕНТ – 2020**

	ТИИИМСХ	экономического механизма развития инновационных процессов в апк	
118.	Лутфиддинова Р. – студентка. ТИИИМСХ	Факторы увеличения уровня жизни населения	487
119.	Пирназарова Г. – магистрант, Касымов Н. – магистрант. ТИИИМСХ	Учет финансовых результатов и пути их улучшения	492
120.	Sanayeva D. – talaba, Musayev S – talaba, ТИҚХММИ	Suv xo'jaligining hozirgi kundagi muammolari va yechimlari	496
121.	Махмудова С. – магистрант, Бахретдинова Х. – проф. ТИҚХММИ	Агросаноат кластерларига сармояларни киритиш йўллари	499
122.	Рустамова Г – магистрант, Тўлабоев А. – PhD. ТИҚХММИ	Сув хўжалиги ташкилотларида гендр муаммолари	502
123.	Хасанов С. – мустақил тадқиқотчи, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази етакчи илмий ходими	Мева-сабзавотчиликни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва устувор йўналишлари	504
124.	Дадарбаев М – талаба, Бабаджанов А – доцент. ТИҚХММИ	Аграр соҳада иқтисодий самарадорликка эришишда интеллектуал мулкнинг ўрни	508
125.	Дадарбаев М. – ассистент ТИҚХММИ	Фермер хўжаликларида инновация ва илмий салоҳият	515
126.	Холиқов М. – магистрант. ТИҚХММИ	Олий таълим муассасаларида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш	519
127.	Алимов У. – таянч докторант. ТИҚХММИ.	Полиз маҳсулотларини етиштириш тизимини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб–қувватлаш йўналишлари	522

4. 13. Фаттахов А.А. ва бошқалар. Маркетинг-бошқарувнинг бозор концепцияси.- Т., ТДИУ, 2008.

**Илмий раҳбар:**

**доцент Раҳимова Х.**

## **ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ–ҚУВВАТЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

*У.Алимов – ТИҚХММИ таянч докторанти*

### **Аннотация**

*Мазкур мақолада полиз маҳсулотлари етиштиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари тадқиқ этилган. Ижтимоий, иқтисодий, экологик ва технологик омиллар таъсирида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишларида эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар ёритиб берилган.*

Аграр тармоқнинг ўзига хос хуссиятларидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, аграр тадбиркорларнинг ўз бизнесини бошлаши, ночор қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, шу билан биргаликда, олис ҳудудларда истиёқомад қилувчи аҳолининг “оёққа туриб олиши” ва янги экспорт бозорларига кириши учун баъзан қўллаб–қувватлаш талаб этилади. Охириги олти йилда биргина солиқ тизимида 1 минг 400 га яқин имтиёзлар тақдим этилган. Экспортни қўллаб–қувватлашга қаратилган субсидиялар ҳам ўз натижасини бериб, тадбиркорларнинг ташқи бозорга чиқишига мадад бўлмоқда. Лекин, жойларда имтиёзлардан самарасиз ёки мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Масалан, давлат бюджетидан 127 турдаги субсидиялар жорий этилган бўлсада, амалда уларнинг 15 тасидан фойдаланилмапти. Тармоқлар ва соҳалар бўйича ҳам имтиёзлар самарадорлиги бир хил эмас. Мисол учун, қишлоқ хўжалигига берилган ҳар 1 сўм имтиёз эвазига соҳада 33 сўм қўшилган қиймат яратилмоқда. Бу кўрсаткич соғлиқни сақлаш соҳасида 30 сўм, таълимда 22 сўм, ахборот технологияларида 16 сўмни ташкил этмоқда.

Умуман олганда, аграр тармоқни давлат томонидан қўллаб–қувватлашнинг бозор механизмлари аста–секин тўлиқ жорий этиб борилаётган бўлиб, бугунги босқичда у алоҳида йўналишлар, хусусан маҳсулотлар кесимида такомиллаштирилиб борилмоқда. Тадқиқотлар кўрсатишича, бугунги кунда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб–қувватлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлмоқда. Хусусан:

Ирригация ва мелиорация йўналишида:

- сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш;

- сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларига сув чиқариш ишларини қўллаб–қувватлаш;

- дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш;

- катта ҳажмдаги қудуқларни бурғулаш (томорқа ер эгалари учун);

- фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритиш.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш йўналишида:

- томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларида омборхоналарни жиҳозлаш, қуриштириш, саралаш, қадоқлашни қўллаб–қувватлаш;

- озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг техник–иқтисодий асосланишини тайёрлаш;

- маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш;

- ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотлари харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш;

- боғ ва токзорларни, янги замонавий плантацияларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш;

- турли давлат идоралари томонидан кўрсатиладиган (сув ресурлари, метеорологик, гидрологик ва агрометеорологик маълумотлар, рўйхатга олиш, тасдиқлаш, лицензиялаш ва бошқалар) пуллик хизматлар бўйича бепул хизмат кўрсатиш тизимини яратиш.

Кредит ва солиққа тортиш йўналишида:

- турли мақсадли жамғармалар ҳисобидан имтиёзли кредитлар, хусусан, аниқ белгиланган имтиёзли фоизлардаги кредит линияларини тақдим этиш;

- тижорат банкларидан олинadиган кредитларнинг маълум фоизларини (Марказий банк асосий ставкасидан ошган қисмини ёки банк маржасини) давлат томонидан қоплаб бериш;

- турли давлат дастурлари доирасида имтиёзли фоиз ва даврларни тақдим этиш орқали;

- солиқ таътиллари бериш, солиқ текширувларидан озод қилиш йўналишларида;

- ҳудудлар кесимида имтимой–иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда табақали солиққа тортиш тизимини ташкил этиш;

- глобал, минтақавий ташқи омиллар, пандемия каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда тақдим этиладиган солиқ имтиёзлари ва бошқалар.

Юқоридаги каби йўналишларда аграр тармоқни давлат томонидан қўллаб–қувватлаш ўзининг ижобий самарасини бераётган бўлиб, соҳада жозибадор инвестицион муҳит шаклланишига, ташаббускор тадбиркорлик шаклланишига, янги бизнес йўналишлари кириб келишига, аҳолининг тадбиркорлик маданияти шаклланишига хизмат қилмоқда.

Аммо, давлат томонидан қўллаб–қувватлашнинг имтиёзлар ва субсидиялар каби йўллари доим ҳам ўзининг ижобий самарасини бермаётган бўлиб, бу тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг ортиб бориши, субсидияларнинг

мақсадсиз ва самарсиз фойдаланилиши каби ҳолатларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича, кишлоқ хўжалиги доим давлатнинг қўллаб–қувватлаши, мақсадли молиявий дастурлари, имтиёзлари остида ривожланиб боради. Озиқ–овқат хавфсизлиги шароитида эса, мамлакат аҳолисини тўйимли, сифатили ва кафолатланган маҳсулотлар билан ички имкониятлар орқали таъминлаш мақсадида ҳар бир давлат соҳани қўллаб–қувватлашнинг барча дастакларидан, жоиз бўлса самарадорлиги паст, қайтим бермайдиган восита ва усулардан фойдаланади ҳамда бу нормал иқтисодий сиёсат сифатида қубул қилинади.

Юқоридагиларга асосан таъкидлаш мумкинки, полизчилик тармоғи ҳам ижтимоий, иқтисодий, экологик ва технологик омиллар таъсирида давлат томонидан қўллаб–қувватлашга эҳтиёж сезадиган йўналишлардан бири саналади. Аммо, давлат томонидан қўллаб–қувватлаш йўналишлари ва дастаклари умумийлик характерига эга бўлмаслиги, тармоқнинг бугунги муаммолари ечими билан чекланмаслиги, аниқ бир рақамларга боғланиб қолмаслиги, бозор қонунлари асосида маъмурий таъсирларсиз ишлашга имкон берувчи механизмлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ.


Шунинг учун тадқиқотларимизда полизчилик тармоғини давлат томонидан қўллаб–қувватлаш йўналишларини белгилаб олишда мамлакатимизда полиз маҳсулотлари етиштиришда юқори улушга эга бўлган, узоқ йиллик полизчилик маданияти ва ўзига хос етиштириш агротехнологияси шаклланган худудлар (Сирдарё ва Жиззах вилоятлар)да олиб борилган монографик изланишлар, сўровномалардан олинган натижалар асосида экологик, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик йўналишларда қўллаб–қувватлаш йўллари белгилаб олинди (1–расм).

Мазкур йўналишларни танлаб олишда ривожланган давлатлар тажрибаси, ташқи бозорларда шакланаётган талаб, мавсумийлик ва иқлим ўзгаришларининг салбий таъсирларини юмшатиш каби омиллар ҳам эътиборга олинган бўлиб, унда инновацияларни жорий этиш, хусусий секторнинг иштирокини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, истиқболда полизчилик тармоғини барқарор ривожлантиришни экологик жиҳатдан қўллаб–қувватлаш йўллари сифатида органик маҳсулот етиштиришни рағбатлантириш; тупроқ таркиби, ифлосланиш даражаси ва ер ости сувларининг сатҳи (ҳажми) ўзгаришини доимий мониторинг қилиш; иқлим ўзгаришларига мослашишда ресурслар (сув, ўғит, уруғ) таъминотини оптималлаштириш каби йўналишлар таклиф этилади.

Шунингдек, аграр тармоқда замонавий бошқарув тизимларининг кириб келиши, давлат аралашувини камайтириш, маъмурий дастакларни чеклаш, ўзини–ўзи бошқарув органларини барқарор ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Натижада, ўнлаб уюшмалар, бирлашмалар, кооперативлар ташкил этилди. Аммо, мазкур бошқарув тузилмаларида ҳам бозор тамойиллари тўлиқ таркиб топди дея олмаймиз. Шу боис, истиқболда бу йўналишдаги ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида полизчилик тармоғида бошқарув тизимида нодавлат бирлашмалар улушини

ошириш; улар ёрдамида манфаатли тезкор ахборот билан таъминлашнинг рақамли тизимини жорий этиш; эркин савдо майдонларини ташкил этиш каби ташкилий йўналишларда қўллаб–қувватлаш мақсадга мувофиқ.



**1–расм. Полиэкономическую тармоғини давлат томонидан қўллаб–қувватлашнинг асосий йўналишлари<sup>1</sup>.**

Бозор муносабатлари шароитида исталган тармоқни иқтисодий дастаклар ёрдамида тартибга солиш, рағбатлантириш, бошқариш мумкин бўлиб, ушбу дастаклар тўғри ва тизимли ташкил этилиши ўзининг ижобий самарасини беради ва аксинча, ундан маъмурий йўлда фойдаланиш тармоқни бир неча йил ортда қолишига сабаб бўлади. Шу сабабли, полиэкономическую тармоғини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантиришда тупроқ таркиби, сув билан таъминланиш ҳолати, географик жойлашуви, инновацияларнинг жорий этилиши каби кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда солиқ, кредит, субсидия, молиялаштириш орқали табақали рағбатлантириш механизмларини жорий этиш лозим.

Ривожланган давлатлар тажрибалари кўрсатишича, қулай агробизнес муҳитининг яратилиши мазкур тармоққа инвестицион қўйилмалар оқимини

<sup>1</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

ортишига олиб келади. Ўз навбатида, инвестор малакали кадрларга, янги технологиялардан фойдаланиш кўникмасига эга мутахассисларга эҳтиёж сезади. Меҳнат ресурслари интеграцияси, давлатлараро миграцияси эркин бўлган шароитда маҳаллий малакаси нисбатан паст бўлган ишчи кучининг эътибордан четда қолишига олиб келади. Бундай ҳолатда эса тармоқни ривожлантириш дастурларининг ижтимоий самарадорлиги яққол намоён бўлмайди. Шу боис, полизчилик тармоғини тор доирадаги мутахассислар билан таъминлаш, янги технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ билим ва кўникмаларни доимий ошириб бориш, ижтимоий инфратузилма объектларини такомиллаштириш каби ижтимоий йўналишларда давлат томонидан қўллаб–қувватлаш замон талабига айланиб бормоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 февралдаги 109-сон қарори.
2. Муртазоев О. Агросаноат мажмуаси иқтисодий сарадорлиги.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси», 2004 й. 92 б.
3. Умурзоқов У.П. Аграр ресурсларни баҳолаш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш харажатларини муқобиллаштириш. Пахтачилик ва дончилик. Тошкент,-1998.-№2. 5-8 б.
4. Алимов У. Полиз маҳсулотлари етиштиришнинг ҳолати ва аҳамияти// Агроиқтисодиёт.-Т.: 2020. №2(16).-б. 53-56.
5. U.Alimov, Sh.Turduqulov Condition and significance of growth of melon products// Студенческий вестник.–М.: 2020 № 28(126). б. 34–37.
6. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)-Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали.
7. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)-Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
8. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)-Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.
9. [www.farmers.uz](http://www.farmers.uz)-Информационный фермерский портал Узбекистана.